

“Тасдиқлайман”

“Ўзбекгеофизика” АЖ

Бошқарув раиси

R.Yusupov Р.А.Юсупжонов  
«29 » сентябрь 2022 й.

“Ўзбекгеофизика” АЖнинг Клиник шифохонасини  
баҳолаш хизматини кўрсатиш бўйича  
**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

Тошкент-2022

## **1. Умумий маълумотлар**

1.1. Кўрсатиладиган хизмат номи: “Ўзбекгеофизика” АЖнинг Клиник шифохонасини баҳолаш.

1.2. Буюртмачи: “Ўзбекгеофизика” АЖ.

1.3. Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июлдаги ПҚ-295-сон қарори 5-иловаси, 6-позицияси, 3-банди.

1.4. Баҳоланадиган Клиник шифохонасининг жойлашган жойи: Тошкент вилояти Қибрай тумани Бирлик МФЙ Қорамурт кўчаси.

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари танлов хужжатларини топширгунга қадар Клиник шифохонани жойида кўриб, у ҳақда тегишли маълумот олишлари мумкин.

1.5. Баҳолаш хизматини кўрсатиш муддати: Шартнома имзолангандан кейин 1 ойдан ошмаслиги шарт.

Бошланиши – 2022 йил октябрь.

Якунланиши – 2022 йил ноябрь.

1.6. Баҳолаш санаси: 2022 йил 1 октябрь ҳолатига.

## **2. Хизматни кўрсатиш шартлари.**

2.1. Клиник шифохонанинг асосий воситалари ва товар-моддий бойликлари, шифохонага бириктирилган ҳудуд ва ҳудуддаги мавжуд инфратузилма обьектлари ва бошқа мавжуд товар моддий бойликлари Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган қонунчилик хужжатларига мувофиқ бозор нархидаги баҳоланади.

Ҳисоблар бўйича асосий воситалар – 2104 та, товар-моддий бойликлар – 823 та позиция. Буларга инвентаризация қилиш йўли аниқлик киритилади ва пудратчига берилади. Пудратчи билан баҳолаш жараёнида товар моддий бойликларга аниқлик киритилиши мумкин.

2.2. Баҳолашда ушбу хизматни кўрсатиш вактида маълум бўлган ва Клиник шифохонанинг ҳақиқий бозор нархини аниқлашга ёрдам берадиган ҳар хил (камидаги 2 та) усулдардан фойдаланилиши керак.

2.3. Баҳоловчи Клиник шифохонага бориб баҳоланадиган асосий воситалар ва товар-моддий бойликларини кўриши шарт.

2.4. Пудратчига Клиник шифохонани баҳолаш учун керак бўладиган тегишли маълумотлар Буюртмачи томонидан берилади.

2.5. Пудратчи томонидан баҳолаш якунлари бўйича ҳисобот тақдим этади, унда баҳолаш усуллари ва мезонлари, шунингдек, Клиник шифохонанинг бозор нархини ҳисоблаб чиқилиши учун ҳамма асослар кўрсатилиши керак.

### **3. Танлов иштирокчисига қўйиладиган талаблар.**

Танлов иштирокчиси куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- Штатида камида 1та олий ёки биринчи тоифали баҳоловчи бўлиши;
- Штатида камида 5та баҳоловчи сертификатига эга ходимлар мавжудлиги;
- баҳолаш фаолиятига берилган тегишли лицензиялар ва сертификатларнинг мавжудлиги;
- охирги 3 йилда давлат корхоналари ёки устав капиталида 50 фоиздан ортиқ давлат улуши мавжуд ташкилотларнинг камида 10 та объектларини баҳолаш бўйича тажрибаси мавжудлиги;
- камида 2 млрд сўм микдорида баҳоловчиларнинг профессионал жавобгарлиги суғурта полиси мавжудлиги.
- Танлов иштирокчиси:
- ўз мажбуриятларини лозим даражада бажариш масалалари бўйича мижозлар билан судлашиш ёки арбитраж жараёнларида бўлмаслиги, ёки унга қарши мижозлар олдида зарарни ёки бошқа қарздорликларни ундириш ҳакида суд ёки арбитраж қарори чиқарилмаган бўлиши;
- Буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж жараёнлари ҳолатида бўлмаслиги;
- тугатилаётган ёки ўз ихтиёри билан тугатилаётган, банкротлик ҳолатида бўлмаслиги керак.
- Танлов иштирокчилари Клиник шифохонани баҳолашда бевосита қатнашадиган баҳоловчи (баҳоловчилар)нинг малакавий сертификатларини, баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияни ва бошқа талаб этиладиган хужжатларни ва маълумотларни электрон платформа орқали тақдим этишлари керак.

### **4. Танлов ғолиби – пудратчига талаблар.**

Клиник шифохонани баҳолаш пудратчиси мазкур техник топшириқ ва қонунчилик хужжатлари асосида электрон платформада ўтказиладиган энг яхши таклифларни танлаш орқали аниқланади.

Пудратчи билан Буюртмачи ўртасида ўрнатилган тартибда тегиишли шартнома тузилади.

Пудратчи:

- баҳолаш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларига риоя этиши;
- мазкур танловгача камида 3 йил объектларни баҳолаш бўйича фаолият юритган бўлиши;
- Клиник шифохонани объектив баҳолаши, баҳолаш жараёнини ташқи таъсирсиз мустаъқил амалга ошириши;
- Буюртмачи сўровига кўра, баҳолаш фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик хужжатлари талаблари, шунингдек, бажарилаётган ишлар ҳолати бўйича маълумот бериб бориши;
- баҳолаш вақтида олинган хужжатларнинг ўрнатилган тартибда ва муддатларда сақлаши;
- баҳолаш жараёнида Буюртмачидан олган маълумотларни сир сақлаши;
- белгиланган муддатларда баҳолаш хизматини кўрсатиш учун етарли миқдорда мутахассислар билан таъминлаши;
- белгиланган муддатда баҳолаш бўйича якуний ҳисоботни Буюртмачига тақдим этиши шарт.

## **5. Хизмат нархи.**

Танловнинг бошланғич нархи ва валютаси танлов хужжатларининг молиявий қисмида кўрсатилади. Охирги нарх – танлов жараёнида қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланадиган голибнинг таклиф этган сўммаси ҳисобланади ва шартнома тузиш учун асос ҳисобланади. Буюртмачи чегирма сўраш ҳукуқига эга.

Баҳоловчи (баҳоловчилар)нинг Клиник шифохонага бориш-келиш (йўл), яшаш, овқатланиш ва мазкур танлов билан кўзда тутилган хизматни кўрсатиш учун сарф қилинадиган бошқа харажатлари пудратчи томонидан қопланади.

Пудратчи билан тузилган шартнома муддатидан олдин Пудратчининг айби билан бекор қилинадиган бўлса, хизмат учун ҳақ тўланмайди ва Пудратчининг харажатлари қоплаб берилмайди.

## **6. Хизматни кўрсатиш муддатлари.**

Хизматни кўрсатиш санаси Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида шартнома тузилган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатлари асосида қонуний кучга кирган кундан кейинги иш кунидан бошланади.


Хизматни кўрсатишнинг охирги санаси хизматни кўрсатиш бўйича ишлар тўлиқ бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган сана хисобланади.

### **7. Хизматлар натижаларини топшириш ва қабул қилиш.**

Пудратчи кўрсатилган хизмат натижасида Буюртмачига баҳолаш хисботини тақдим этади.

Баҳолаш хисботи мустақил эксперт ташкилот томонидан экспертиза қилинади. Пудратчи экспертиза натижалари бўйича камчиликлар аниқланса, уларни бартараф этишга мажбур.

Бошқарув раисининг молия-иқтисод  
масалалари бўйича ўринбосари



Б.Ф.Бозоров

Таъминот, қурилиш, транспорт,  
инфратузилма ва ижтимоий масалалар  
департаменти раҳбари



Т.М.Аликулов

Бош бухгалтер




Т.Б.Бойниёзов

Акциядорлар билан корпоратив  
муносабатлар ва жамоатчилик  
билан алоқалар бўлими бошлиғи



Е.Ю.Шек

Ижтимоий обьектлар, алоқа тармоқлари  
ва капитал қурилиш бўлими бошлиғи



С.А.Халниязов

Саноат кооперацияси, маркетинги  
ва таъминот бўлими бошлиғи



Ф.И.Махмудов

1-илова

Якуний бенефициарлар түгрисида ООО  
(харидлар иштирокчиси) \*

МАЪЛУМОТНОМА

№	Ф.И.Ш.	Туғилган санаси	Шахснинг роли (рахбар / таъсисчи / якуний бенефициар)	Шахс раҳбар/таъсисчи/якуний бенефициар бўлган давр	Иштирок этиш улуши (факат 5 фоиздан ортиқ улушга эга таъсисчилар учун), фоизда
1.					
2.					
3.					
4.					
5.					
6.					
7.					
...					

Директор *ООО*

*Ф.И.О*

**Контрагентдан текшириш учун сўраладиган хужжатлар**

т/р	Хужжат номи	Юридик шахс (ЮШ) / Якка тартибдаги тардбиркор (ЯТТ)	Янги контрагент
1	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси	ЮШ / ЯТТ	БОР / ЙЎҚ
2	Солик хисобига кўйиш, шу жумладан СТИР тўғрисида маълумотлар	ЮШ / ЯТТ	БОР / ЙЎҚ
3	Юридик шахсларнинг ягона етказиб берувчи сифатида Давлат реестрига киритилганлиги тўғрисида маълумот	ЮШ / ЯТТ	БОР / ЙЎҚ
4	Устав ва бошка таъсис хужжатларининг нусхаси	ЮШ	БОР / ЙЎҚ
5	Паспорт нусхаси	ЯТТ	БОР / ЙЎҚ
6	Ишончнома (директор ишончнома асосида фаолият юритганда)	ЮШ / ЯТТ	БОР / ЙЎҚ
7	Контрагент эгаси бунга бенефициар, мулк эгалари ва таъсисчилар киритилади	ЮШ	БОР / ЙЎҚ
8	Сўнгги хисобот йили учун (йиллик) бухгалтерия хисоботи ёки сўнгги хисобот йили учун аудиторлик хulosаси (молиявий натижва ва асосий воситалар рўйхати)	ЮШ / ЯТТ	БОР / ЙЎҚ
9	Кўрсатилган ишлар/хизматларни бажариш учун малакали кадрларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот (хат ва / ёки тасдиқловчи хужжатлар шаклида тақдим этилиши мумкин)	ЮШ	БОР / ЙЎҚ
10	Товарлар иш хизматлар учун мувофиқлик лицензиялари ва сертификатлари	ЮШ / ЯТТ	БОР / ЙЎҚ
11	Танлаш иштирокчисининг коррупцияга оид коидабузарликлар эктимоли ҳакида маълумотлар	ЮШ / ЯТТ	БОР / ЙЎҚ (Кафолат хати)
12	Манфаатлар тўқнашуви / иштирокчининг Ташкилот тизими, ходимлари билан аффилланганлиги ҳакида маълумот йўклиги	ЮШ / ЯТТ	БОР / ЙЎҚ (Кафолат хати)